

**Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат  
архитектура – қурилиш институти Кенгашининг  
2021 йил 18 майдаги 5-сон йиғилиши баённомасидан  
К Ў Ч И Р М А**

2021 йил 18 май

Самарқанд ш.

**Раислик қилувчи:** Э.Х.Исаков- институт ректори в.в.б

**Қатнашганлар:** 39 нафар Кенгаш аъзоларидан 37  
киши

**Кун тартиби:**

**5. *Ҳар хил масалалар.***

1. Институт профессор-ўқитувчилари ва кафедраларининг ўқув, ўқув-методик, илмий тадқиқот ва ташкилий ишлари бўйича фаолиятини баҳолаш рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисидаги ички Низомни тасдиқлаш хақида.

**Эшитилди:**

Кенгаш котиби сўзга чиқиб, институт Кенгаши аъзоларини Таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи Ў.Сирожидиновнинг “Институт профессор-ўқитувчилари ва кафедраларининг ўқув, ўқув-методик, илмий тадқиқот ва ташкилий ишлари бўйича фаолиятини баҳолаш рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисидаги ички Низомни институт кенгашида муҳокама қилиш ва тасдиқлаш” ни тўғрисидаги билдиришномаси билан таништирди ва мазкур Низомни тасдиқлаб беришни сўради.

Институтнинг ТСНҚ бўлими бошлиғи Ў.С.Сирожидинов сўзга чиқиб, институт профессор-ўқитувчиларнинг “Ўқув, ўқув-методик, илмий-тадқиқот ва ташкилий ишлар бўйича фаолияти рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисида ички Низом ва ҳисоблаш методикаси” жорий йилнинг 15 март куни “СамДАҚИ кафедра мудирлари” телеграм гуруҳида муҳокамага қўйилганлиги. Бир ойдан охиқ вақт давомида муҳокама қилинганлиги ва 30 га яқин таклиф ва мулоҳазалар келиб тушганлиги, асосли таклифлар инобатга олинди, ички Низом лойиҳаси институт Кенгашига тасдиқлаш учун киртилаётганлигини баён этди. Мазкур Низом институт профессор-ўқитувчилари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда таълим сифатини оширишга қаратилганлигини таъкидлаб, ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирган барчага миннатдорлик билдирди.

Кун тартибига киритилган масала муҳокамаси давомида Кенгаш аъзолари томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазаларни эътиборга олиб, Институт кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Институт профессор-ўқитувчилари ва кафедраларининг ўқув, ўқув-методик, илмий тадқиқот ва ташкилий ишлари бўйича фаолиятини баҳолаш ва рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисидаги ички Низом тасдиқлансин.

2. Институтнинг ТСНҚ бўлими бошлиғи Ў.С.Сирожидинов ҳар календар йилининг 1 феврал санасига қадар ўтган ҳисобот йили яқунлари бўйича институт профессор-ўқитувчилари ва кафедраларининг рейтингини аниқласин ва натижалари бўйича институт кенгашида ахборот берсин.

Кенгаш раиси

Э.Х.Исаков

Кенгаш котиби

М.Хазраткулов



**Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти профессор-ўқитувчилар ва кафедраларнинг ўқув, ўқув-методик, илмий-тадқиқот ва ташкилий ишлар бўйича фаолиятини баҳолаш рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисида**

## **ИЧКИ НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

Ушбу Низом Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти (кейинги ўринларда Институт деб аталади) рейтингини аниқлаш тартибини белгилайди.

Институт профессор-ўқитувчилари, кафедралари ва факультетлари рейтингини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорига мувофиқ амалга оширилади.

### **2-боб. Рейтингни аниқлашнинг мақсад ва вазифалари**

1. Институт кафедралари ва профессор-ўқитувчилари орасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, уларнинг илмий-педагогик фаолияти даражаси ва таълим сифатини оширишга рағбатлантириш, профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, ўқитиш сифати бўйича халқаро мезон ва стандартларга мувофиқ юқори кўрсаткичларга эришишга ҳамда иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари учун юқори малакали кадрларни тайёрлашга замин яратиш рейтингни аниқлашнинг мақсади ҳисобланади.

2. Қуйидагилар рейтингни аниқлашнинг вазифалари ҳисобланади:

Институт таркибий бўлинмалари (кафедра, факультет, лаборатория, марказлар ва бўлимлар) фаолиятини такомиллаштириш;

Институтнинг дунёдаги рейтингини юқори бўлган олий таълим муассасалари билан ҳамкорлигини таъминлашда ҳамда унинг халқаро стандартларга мувофиқ юқори кўрсаткичларга эришишига кўмаклашиш.

### **3-боб. Рейтингни аниқлашга оид маълумотлар базасини шакллантириш**

Рейтингни аниқлашга оид маълумотлар базасини шакллантириш Институт Таълим сифатини назорат қилиш бўлими томонидан ҳисобот йилидан кейинги йилнинг биринчи чорагида амалга оширилади.

Таълим сифатини назорат қилиш бўлими томонидан маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида тегишли намунадаги жадваллар ишлаб чиқилади ва рейтинг аниқланаётган йилнинг 15 декабрига қадар Институт кафедралари ва тегишли бўлимларига етказилади.

Кафедралар томонидан рейтингни аниқлашга оид маълумотлар кафедра мудирини имзоси билан тасдиқланган ҳолда асословчи ҳужжатлари билан биргаликда 1 январга қадар Таълим сифатини назорат қилиш бўлимига тақдим этилади.

Асословчи ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда, маълумотлар рейтингни ҳисоблашда инобатга олинмайди.

### **4-боб. Рейтингни аниқлашга оид сўровномалар ва назорат ишларини ўтказиш**

Рейтингни аниқлаш жараёнида Таълим сифатини назорат қилиш бўлими томонидан ҳар йили апрель-май ойларида:

профессор-ўқитувчиларнинг хорижий тил ва ахборот-коммуникация технологияларига оид билим даражасини аниқлаш мақсадида тест синовлари;

талабаларнинг мутахассислик фанларига оид билим даражасини аниқлаш мақсадида назорат ишлари (тест синовлари), сўровномалар амалга оширилади.

#### **5-боб. Рейтинг натижаларини ҳисоблаш ва эълон қилиш**

Рейтингни аниқлашга оид тўпланган маълумотлар, ўтказилган сўровномалар ва назорат ишлари натижалари асосида Таълим сифатини назорат қилиш бўлими томонидан профессор-ўқитувчилар рейтингини аниқланади.

Рейтинг балларини ҳисоблаш ушбу Низом иловасида келтирилган рейтингни аниқлаш мезонлари асосида амалга оширилади.

Рейтинг индикаторлари учун балларни ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

тегишли рейтинг индикатори бўйича энг катта кўрсаткичга эга профессор-ўқитувчилар аниқланади;

энг катта кўрсаткичга эга бўлган профессор-ўқитувчиларига шу индикатор учун белгиланган энг юқори балл берилади;

ҳар бир индикатор бўйича ҳисобланган баллар йиғиндиси профессор-ўқитувчилари рейтингини белгилайди.

Институт профессор-ўқитувчилари рейтингини асосида улар фаолият юритаётган кафедра рейтингини аниқланади. Ушбу рейтингларни аниқлашда Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ равишда белгиланган мезонлар асосида қўшимча индикаторлардан фойдаланилади.

Рейтинг натижалари ҳар йили кейинги ўқув йили бошланишидан кечикмай Институтнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Рейтингни аниқлашга оид маълумотлар Таълим сифатини назорат қилиш бўлимида 1 (бир) йил давомида сақланади.

#### **6-боб. Яқунловчи қоидалар**

Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

**Профессор-ўқитувчиларнинг шахсий рейтингини ҳисоблаш  
кўрсаткичлари**

T/p	Рейтинг кўрсаткичлари	Балл	Изоҳ	Ҳар бир кўрсаткични ҳисоблаш услубияти ва улар учун тақдим этиладиган ҳужжатлар
<b>Педагог ходимга тегишли маълумотлар</b>				
1	Академик илмий унвони	<b>30</b>		Илмий даража дипломи ёки илмий унвон аттестати (сертификати) асос бўлади.
2	Фан доктори, профессор	<b>20</b>		Илмий даража дипломи ёки илмий унвон аттестати (сертификати) асос бўлади.
3	Фан доктори, доцент	<b>15</b>		Илмий даража дипломи ёки илмий унвон аттестати (сертификати) асос бўлади.
4	Фан номзоди, профессор	<b>10</b>		Илмий даража дипломи ёки илмий унвон аттестати (сертификати) асос бўлади.
5	Фан номзоди, доцент	<b>7</b>		Илмий даража дипломи ёки илмий унвон аттестати (сертификати) асос бўлади.
6	Фан номзоди, катта ўқитувчи	<b>5</b>		Илмий даража дипломи ёки илмий унвон аттестати (сертификати) асос бўлади.
7	Илмий даражага эга бўлмаган доцент	<b>5</b>		Илмий даража дипломи ёки илмий унвон аттестати (сертификати) асос бўлади.
8	Катта ўқитувчи	<b>2</b>		Буйруқ рақами ва санаси кўрсатилади.
9	Ассистент	<b>1</b>		Буйруқ рақами ва санаси кўрсатилади.
10	СамДАҚИдаги узлуксиз педагогик стаж (йил)	<b>1-5</b>	Ҳар 10 йил учун 1 балл	Кадрлар бўлими бошлиғи имзолаган Педагог ходимнинг шахсий варақаси (объективка) илова қилинади.
11	Ўзбекистон Республикасининг Фахрий унвонлари, орден ва медаллари, эсдалик нишонлари (ОТМдаги бутун фаолияти давомида)	<b>3-10</b>		Фахрий унвонлар, тегишли гувоҳномалар нусхалари. (Диплом, медаль, кўргазмалар мукофоти, фахрий ёрлиқлар, бошқа ташкилотларнинг ташаккурномалари нусхалари.)
12	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қурилиш вазирлиги фахрий ёрлиқлари, эсдалик нишонлари ва бошқалар (ОТМдаги бутун фаолияти давомида)	<b>1-6</b>		Фахрий унвонлар, тегишли гувоҳномалар нусхалари. (Диплом, медаль, кўргазмалар мукофоти, фахрий ёрлиқлар, бошқа ташкилотларнинг ташаккурномалари нусхалари.)
13	Ўқитувчининг нашр фаоллиги	<b>1-10</b>		Охириги 3 йилда нашр эттирган илмий мақолалар, монографиялар, дарсликлар, ўқув қўлланмалар нусхалари ( <i>балларнинг йиғиндисини ҳисобга олинади ва у 10 баллдан ошмайди</i> ).
14	Монографиялари	$\text{балл} = \frac{N}{S}$	$N$ - ОТМдаги бутун фаолияти давомидаги нашрлари, $S$ - ОТМдаги бутун фаолияти давомида иш стаж	<i>Чоп этилган монографиялар сифатида таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва уларнинг идоравий бўйсунувидаги давлат ташкилотлари ҳузуридаги кенгашлар томонидан тавсия этилган, давлат рўйхатидан ўтган нашриётлар томонидан чоп этилган монографиялар ҳисобга олинади</i>
15	Ўзбекистон Республикаси ОўМТВ грифи билан чоп этилган дарсликлар, ўқув қўлланмалари алоҳида ижодий асарлар, ижодий ишлар каталоги сони (ОТМдаги бутун фаолияти)	$\text{балл} = \frac{3 \cdot N}{S}$	$N$ - ОТМдаги бутун фаолияти давомидаги нашрлари, $S$ - ОТМдаги бутун фаолияти давомида иш	<i>Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар деганда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Мувофиқлаштирувчи кенгашининг тегишли қарорига мувофиқ грифга эга бўлган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар (шу жумладан, электрон дарсликлар ва</i>

	давомида)		стажи	ўқув қўлланмалар), шунингдек ҳисоб йилида қайта нашр қилинган, таржима қилиниб нашр қилинган ва таянч олий таълим муассасалари билан келишилган ҳолда олий таълим муассасаси кенгаши тавсиясига асосан нашр қилинган ва фойдаланишга жорий этилган дарслик ва ўқув қўлланмалар ҳисобга олинади
16	Ўқитувчи раҳбарлик қилган номзодлик (ёки PhD) диссертация ҳимоялари сони (ОТМдаги бутун фаолияти давомида)	$балл \equiv \frac{5 \cdot N}{S}$	$N$ - ОТМдаги бутун фаолияти давомидаги ҳимоялари сони, $S$ - ОТМдаги бутун фаолияти давомида иш стажи	Тасдиқловчи маълумотларни илмий бўлим тақдим этади
17	Ўқитувчи раҳбарлик қилган докторлик (ёки Ds) диссертация ҳимоялари сони (ОТМдаги бутун фаолияти давомида)	$балл \equiv \frac{10 \cdot N}{S}$	$N$ - ОТМдаги бутун фаолияти давомидаги ҳимоялари сони, $S$ - ОТМдаги бутун фаолияти давомида иш стажи	Тасдиқловчи маълумотларни илмий бўлим тақдим этади
18	Профессор-ўқитувчиларнинг хорижий тиллар бўйича билим даражаси	<b>5</b>	IELTS, TOEFL, B2 ва C1 даража сертификатлари мавжудлиги)	<i>Бунда филолог бўлмаган профессор-ўқитувчилар учун B2 даражасини тасдиқловчи, филолог профессор-ўқитувчилар учун C1 даражасини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд ҳолларда хорижий тилдан максимал балл тақдим этилади. (охирги 2 йил)</i>
<b>Ўқув-услугий фаолиятни баҳолаш (ҳисобот даври учун)</b>				
19	Ўрнатилган талаблар бўйича маърузалар матни ишлаб чиқиш	<b>5</b>		Институт илмий-услугий кенгаши томонидан тавсия этилган ва ўқув ишлари бўйича проректор томонидан тасдиқланган баённома асосида кўриб чиқилади.
20	Машқ (масалалар) тўплами, лаборатория машғулоти ва услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш, ёзиш ва нашр этиш.	<b>1</b>		Институт илмий-услугий кенгашида кўриб чиқилган ва ўқув ишлари бўйича проректор томонидан тасдиқланган баённома асосида кўриб чиқилади.
21	Фаннинг ўқув-услугий мажмуасини ишлаб чиқиш.	<b>3</b>		Институт илмий-услугий кенгашида кўриб чиқилган ва ўқув ишлари бўйича проректор томонидан тасдиқланган баённома асосида кўриб чиқилади.
22	mt.samgasi масофавий таълим платформасида фаннинг электрон модулини яратиш	<b>5</b> (12 та контент бўйича тўлиқ бўлганда)	тўлиқ бўлмаса балл берилмайди	Маълумотларни Ўқув-услугий бўлим бўлими тақдим этади
23	Маърузаларнинг мультимедиа воситалари ёрдамида ўқув курси бўйича таълим жараёнида фойдаланиш учун тайёрланган тақдимот материаллари бўйича ўрганилади	<b>2</b>		Маълумотларни Ўқув-услугий бўлим бўлими тақдим этади
24	Тарқатма ўқув материаллари, электрон ўқув дастурлар ва видео машғулоти (фан доирасида), шунингдек тегишли ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда таълим	<b>1</b>		Маълумотларни Ўқув-услугий бўлим бўлими тақдим этади

	дастурларини тайёрлаш (яратиш)			
25	Бакалаврият таълим йуналишлари, магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаби, намунавий ўқув режа, янги фан учун намунавий ўқув дастурларини ишлаб чиқиш	<b>3-5</b> (Ҳар бири учун алоҳида)		Маълумотларни ўқув-услубий бўлим бўлими тақдим этади
26	Фанлар бўйича назорат саволлари, тест, масалалар ҳамда оралиқ ва якуний баҳолашлар учун топшириқлар ишлаб чиқиш	<b>2</b>		Кафедра услубий семинарида кўриб чиқилган, кафедра мудири томонидан тасдиқланган бўлиши лозим. Тестларнинг электрон шакли фан ўқитувчисининг ёзма кафолат хати билан бирга ТСНБга тақдим этилади
27	Ўзбекистон Республикаси ОўМТВ томонидан нашрга тавсия этилиб, грифи билан чоп этилган дарсликлар	<b>10</b>		Учтадан кам бўлмаган нусхасини кутубхонага тақдим этилганлиги тўғрисида АРМ маълумотномаси. PDF шаклидаги ОУМВ нашр рухсатномаси (грифи) нусхаси.
28	Ўзбекистон Республикаси ОўМТВ ёки ваколатли органлар томонидан нашрга тавсия этилиб, грифи билан чоп этилган ўқув қўлланмалар	<b>8</b>		Учтадан кам бўлмаган нусхасини кутубхонага тақдим этилганлиги тўғрисида АРМ маълумотномаси. PDF шаклидаги ОУМВ ёки ваколатли органлар нашр рухсатномаси (грифи) нусхаси.
29	Хорижда чоп этилган дарслик, ўқув қўлланмалар ва бошқа материалларни таржима қилиш	<b>6</b>		Учтадан кам бўлмаган нусхасини кутубхонага тақдим этилганлиги тўғрисида АРМ маълумотномаси. Нашрнинг чиқиш маълумотлари
30	Таянч ОТМ ёки СамДАҚИ илмий Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилиб, чоп этилган ўқув қўлланмалар	<b>4</b>		Учтадан кам бўлмаган нусхасини кутубхонага тақдим этилганлиги тўғрисида АРМ маълумотномаси. СамДАҚИ ёки таянч ОТМ - услубий кенгаши баёни.
31	Таянч ОТМ ёки СамДАҚИ илмий Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилиб, эълон қилинган электрон дарслик ва ўқув қўлланмалар	<b>4</b>		Маълумотларни кафедра мудири ва АРМ тақдим этади. СамДАҚИ ёки таянч ОТМ - услубий кенгаши баёни.
32	Дарслик ва ўқув қўлланмаларга ёзилган тақризлар	<b>1</b>		Дарслик, ўқув қўлланмаларнинг чиқиш маълумотлари кўрсатилган бетининг нусхалари
33	Намунавий фан дастурлари, малака талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий ҳужжатларга берилган тақризлар	<b>1</b>		Тасдиқланган маълумотларни ўқув-услубий бўлим тақдим этади.
34	Таълим жараёнида фойдаланиш учун стендлар, қурилмалар, мосламалар ва бошқаларни яратиш	<b>2</b>		Тасдиқловчи ҳужжатларни кафедра мудири тақдим этади, фото суратлари илова қилинади.
35	“Қурилиш ва меъморчилик муаммолари” таҳририят-нашриёт кенгашида ишлаш	<b>1</b>	Раис, аъзо, таҳрирлаш гуруҳи,	“Қурилиш ва меъморчилик муаммолари” журнали буйруғи.
<b>Илмий-тадқиқот фаолияти</b>				
36	ОАК илмий ишлар бўйича эксперт.	<b>2</b>		ОАК буйруғи нусхаси тақдим этилади.
37	Институт илмий-услубий кенгаши эксперти	<b>2</b>		Институт илмий-услубий кенгаши буйруғи нусхаси тақдим этилади.
38	Педагог ходим раҳбарлигида ҳимоя қилинган PhD диссертацияси (ҳисобот даврида)	<b>10</b>		Автореферат нусхаси тақдим этилади.

39	Педагог ходим раҳбарлигида ҳимоя қилинган Ds диссертацияси (ҳисобот даврида)	15		Автореферат нусхаси тақдим этилади.
40	Педагог ходимнинг докторлик диссертациясига расмий маслаҳатчилик қилиш (ҳисобот даврида)	4		Институт буйруғи нусхаси тақдим этилади.
41	Хорижий нуфузли журналлар (юқори импакт-факторли) таҳририяти кенгаши аъзолиги учун	4		Таҳририяти кенгаши аъзолиги бўлган журнал нусхаси
42	Хорижий давлатлар ОТМлари, илмий марказларида ҳимоя қилинган PhD диссертацияларига расмий оппонентлик қилиш	3-6	3 балл-МДХ давлатларида, 6 балл-МДХ дан ташқарида	Автореферат нусхаси тақдим этилади.
43	Докторлик диссертацияси ҳимоясида расмий оппонент бўлиш	2		Автореферат нусхаси тақдим этилади.
44	Докторлик диссертацияларига тақриз бериш	1		Тақриз нусхаси тақдим этилади.
45	Илмий даража берувчи махсус кенгашда фаолият юритиш	1		ОАК буйруғи нусхаси тақдим этилади.
	Махсус кенгаш раиси.	4		ОАК буйруғи нусхаси тақдим этилади.
	Махсус кенгаш раисининг ўринбосари	3		ОАК буйруғи нусхаси тақдим этилади.
	Махсус кенгаш котиби	2		ОАК буйруғи нусхаси тақдим этилади.
	Махсус кенгаш аъзоси	1		ОАК буйруғи нусхаси тақдим этилади.
46	PhD диссертациясини ҳимоя қилиш (ҳисобот даврида)	10		ОАК дипломи нусхаси тақдим этилади.
47	Ds диссертациясини ҳимоя қилиш (ҳисобот даврида)	15		ОАК дипломи нусхаси тақдим этилади.
48	Хорижий илмий тадқиқот марказлари грантларига раҳбарлик қилиш	6		Институт буйруғи нусхаси тақдим этилади.
49	Хорижий илмий тадқиқот марказлари грантларида иштирок этиш	4		Институт буйруғи нусхаси тақдим этилади.
50	Хорижий илмий марказлар маблағларини жалб қилиш	8		Шартнома нусхаси тақдим этилади.
51	Давлат грантлари асосида ўтказилган тадқиқотларга раҳбарлик қилиш	6		Институт буйруғи нусхаси тақдим этилади.
52	Давлат грантлари асосида ўтказилган тадқиқотларда иштирок этиш	4		Институт буйруғи нусхаси тақдим этилади.
53	Соҳа буюртмалари асосида тузилган хўжалик шартномалари бўйича тадқиқотларга, шу жумладан ижодий ишларга раҳбарлик қилиш	6		Шартнома нусхаси тақдим этилади.
54	Соҳа буюртмалари асосида тузилган хўжалик шартномалари бўйича тадқиқотларда, шу жумладан ижодий ишлар билан иштирок этиш	4		Шартнома нусхаси тақдим этилади.
55	Web of Science, Scopus , Google Scholar маълумотлар базасига киритилган илмий журналларда чоп этилган	7		<i>Илмий мақолаларни текширишда мақола чоп этилган журналнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий</i>



	мақолалар			<i>аттестация комиссиясининг расмий сайтида берилган маҳаллий ва хорижий илмий журналлар рўйхатида ҳамда “Scopus” ва “Web of Science” маълумотлар базаларидан mavjudligi қаралади. Бунда мақола ҳаммуаллифликда ёзилган бўлса, ҳар бир муаллифга бўлинган ҳолда ҳисобланади (0,5; 0,33; 0,25 ва ҳ.к.). Журнал муқоваси, титул varaғи, мундарижа ва мақоланинг PDF шакли тақдим этилади.</i>
56	Web of Science, Scopus , Google Scholar маълумотлар базасига киритилган халқаро илмий журналларда чоп этилган мақолаларга келтирилган иқтибослик	<b>2</b>	Ҳар бири учун 0,2 балл Мах: 2 балл	Журнал муқоваси, титул varaғи, мундарижа ва мақоланинг PDF шакли ва гиперссылкаси тақдим этилади.
57	Республика Олий аттестация комиссияси рўйхатидаги илмий журналлардаги илмий мақолалар	<b>4</b>		Журнал муқоваси, титул varaғи, мундарижа ва мақоланинг PDF шакли ва гиперссылкаси тақдим этилади.
58	Юқори импакт-факторли халқаро журналлардаги илмий мақолалар	<b>5</b>		Журнал муқоваси, титул varaғи, мундарижа ва мақоланинг PDF шакли ва гиперссылкаси тақдим этилади.
59	Педагог ходимнинг Hirsh индексига эгаллиги	<b>4</b>		Scopus <a href="http://www.scopus.com/">http://www.scopus.com/</a> , Web of Science, <a href="http://eLIBRARY.RU">eLIBRARY.RU</a> сайтларида профессор-ўқитувчиларнинг Hirsh индекси кўрсаткичлари саҳифаси орқали аниқланади.
60	Хорижий илмий тўпламларда чоп этилган мақолалар	<b>2</b>		Журнал муқоваси, титул varaғи, мундарижа ва мақоланинг PDF шакли ва гиперссылкаси тақдим этилади.
61	Республика илмий тўпламларида ва журналларида чоп этилган мақолалар	<b>1</b>		Журнал муқоваси, титул varaғи, мундарижа ва мақоланинг PDF шакли ва гиперссылкаси тақдим этилади.
62	Халқаро илмий конференцияларда қилинган маърузалар (тезислар)	<b>1</b>		Конференция материаллари, тўплами муқоваси, титул varaғи, мундарижа бети тақдим этилади.
63	Республика миқёсидаги илмий конференцияларда қилинган маърузалар (тезислар)	<b>1</b>		Конференция материаллари, тўплами муқоваси, титул varaғи, мундарижа бети тақдим этилади.
64	Чоп этилган монографиялар	<b>2</b>		Биттадан кам бўлмаган нусхасини кутибхонага тақдим этилганлиги тўғрисида АРМ маълумотномаси. Нашрнинг чиқиш маълумотлари
65	Ихтиро, фойдали модель, саноат намуналари ва селекция ютуқлари учун олинган патентлар	<b>5</b>		Патентни, муаллифлик гувоҳномасининг PDF шаклида нусхаси тақдим этилади.
66	Ахборот-коммуникация технологияларига оид дастурлар ва электрон маълумотлар базалари учун олинган гувоҳномалар	<b>4</b>		Муаллифлик гувоҳномасининг PDF шаклида нусхаси тақдим этилади.
67	Муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилинадиган турли материаллар	<b>3</b>		Муаллифлик гувоҳномасининг PDF шаклида нусхаси тақдим этилади.
68	Педагог ходимнинг таълим фанлари бўйича халқаро илмий танловлар,	<b>5</b>		Ўқитувчининг иштирокини акс эттирувчи конференция программаси (секция раҳбари, котиби, маърузчи, ташкилий

	олимпиадалар, ижодий кўргазмалар ва танловлардаги иштироки			қўмита аъзоси). Диплом сертификат, таклифнома ёки сўров хатининг асли ёки нусхаси тақдим этилади.
69	Педагог ходимнинг таълим фанлари бўйича республика миқёсидаги илмий танловлар, олимпиадалар, ижодий кўргазмалар ва танловлардаги иштироки	<b>3</b>		Ўқитувчининг иштирокини акс эттирувчи конференция программаси (секция раҳбари, котиби, маърузчи, ташкилий қўмита аъзоси). Диплом сертификат, таклифнома ёки сўров хатининг асли ёки нусхаси тақдим этилади.
70	Педагог ходим раҳбарлигида халқаро олимпиадаларда, халқаро танловлар, кўргазмалар ва спорт мусобақаларида, ижодий кўргазмалар ва танловларда ғолиб бўлган талабалар	<b>5</b>	Жаҳон халқаро ташкилотлари томонидан рўйхатдан ўтказилган халқаро тадбирлар ҳисобга олинади ва Дипломлар бўйича ўрганилади	Ўқитувчининг иштирокини акс эттирувчи конференция программаси (секция раҳбари, котиби, маърузчи, ташкилий қўмита аъзоси). Диплом сертификат, таклифнома ёки сўров хатининг асли ёки нусхаси тақдим этилади.
71	Педагог ходим раҳбарлигида республика олимпиадаларида, танловлар, кўргазмалар ва спорт мусобақаларида ғолиб бўлган талабалар	<b>3</b>	Республика олимпиадалари, нуфузли танловлари ва спорт соҳасида белгиланган тартибда ўтказилган тадбирлар ҳисобга олинади ва Дипломлар бўйича ўрганилади	Ўқитувчи ва талабаларнинг иштирокини акс эттирувчи конференция программаси (секция раҳбари, котиби, маърузчи, ташкилий қўмита аъзоси). Диплом сертификат, таклифнома ёки сўров хатининг асли ёки нусхаси тақдим этилади.
72	Институт қошидаги илмий марказлар, синов лабораторияларига раҳбарлик қилиш	<b>2</b>		Маълумотни илмий бўлим тақдим этади.
73	Институт қошидаги илмий марказлар, синов лабораторияларида фаолият юритиш	<b>1</b>		Илмий марказ буйруғидан кучирма тақдим этилади.
<b>Дарсдан ташқари, тарбиявий ва жамоат ишларидаги иштироки</b>				
74	Гуруҳ мураббийлиги	<b>2</b>		Ёшлар ишлари бўйича проректор ёки факультет декани маълумотномаси асосида ўрганилади.
75	Институт миқёсида ўтказилган оммавий-маданий, маънавий-маърифий, тарбиявий тадбирларни ташкил этишдаги иштироки	<b>1</b>		Ёшлар ишлари бўйича проректор (ёки бўлими) маълумотномаси асосида ўрганилади.
76	Ҳудудий оммавий-маданий, маънавий-маърифий, тарбиявий тадбирларни ташкил этишдаги иштироки	<b>2</b>		Ёшлар ишлари бўйича проректор (ёки бўлими) маълумотномаси асосида ўрганилади
77	“Очиқ эшиклар куни”, “Меҳнат ярмаркалари”ни ташкил этиш ва ўтказишдаги иштироки	<b>2</b>	Маркетинг бўлими маълумотномаси асосида ўрганилади	Маркетинг бўлими маълумотномаси асосида ўрганилади
78	Институт миқёсида ўтказилган оммавий спорт тадбирларини ташкил этишдаги иштироки	<b>1</b>	Касаба уюшмаси (ёки спорт клуби) маълумотномаси асосида ўрганилади	Касаба уюшмаси (ёки спорт клуби) маълумотномаси ёки спорт мусобақасида қатнашиши учун берилган ариза (заявка) асосида ўрганилади.